




Научно-практический электронный журнал

# **МОЯ ПРОФЕССИОНАЛЬНАЯ КАРЬЕРА**

ISSN 2658-7998



**Выпуск №84 (том 1)  
(май, 2026)**



Международный научно-практический  
электронный журнал «МОЯ  
ПРОФЕССИОНАЛЬНАЯ КАРЬЕРА»

Сайт: [mpcareer.ru](http://mpcareer.ru)

ISSN 2658-7998

УДК 001

ББК 94

**Международный научно-практический электронный журнал «МОЯ ПРОФЕССИОНАЛЬНАЯ КАРЬЕРА». Выпуск №84 (том 1) (май, 2026). Дата выхода в свет: 31.05.2026.**

Сборник содержит научные статьи отечественных и зарубежных авторов по экономическим, техническим, философским, юридическим и другим наукам.

Информация об опубликованных статьях предоставляется в систему Российского индекса научного цитирования (РИНЦ) и размещена на платформе научной электронной библиотеки (eLIBRARY.RU). Лицензионный договор № 284-07/2019 от 30 июля 2019 г.

Миссия научно-практического электронного журнала «МОЯ ПРОФЕССИОНАЛЬНАЯ КАРЬЕРА» состоит в поддержке интереса читателей к оригинальным исследованиям и инновационным подходам в различных тематических направлениях, которые способствуют распространению лучшей отечественной и зарубежной практики в интернет пространстве.

Целевая аудитория журнала охватывает представителей экспертного сообщества, докторов, преподавателей, научных сотрудников, бакалавров, магистрантов, аспирантов и иных лиц, интересующихся вопросами, освещаемыми в журнале.

Материалы публикуются в авторской редакции. За соблюдение законов об интеллектуальной собственности и за содержание статей ответственность несут авторы статей. Мнение редакции может не совпадать с мнением авторов статей. При использовании и заимствовании материалов ссылка на издание обязательна.

© ООО «МОЯ ПРОФЕССИОНАЛЬНАЯ КАРЬЕРА»

© Коллектив авторов



МАМЛАКАТИМИЗДА ХИЗМАТ КЎРСАТИШ СОҲАСИНИНГ МОХИЯТИНИ НАЗАРИЙ ЖИҲАТЛАРИ ТАХЛИЛИ Олтаев Ш.С.	410
РАҚАМЛИ ИҚТИСОДИЁТ ШАРОИТИДА МАМЛАКАТИМИЗ АЁЛЛАРИНИ ИШ БИЛАН БАНДЛИГИНИ ОШИРИШНИНГ ИННОВАЦИОН ЙЎЛЛАРИ Олтаев Ш.С.	417
РАҚАМЛИ ИҚТИСОДИЁТ ШАРОИТИДА МАМЛАКАТИМИЗДА АҲОЛИ БАНДЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШДА КИЧИК БИЗНЕС ВА ХУСУСИЙ ТАДБИРКОРЛИКНИНГ ЎРНИ Олтаев Ш.С.	426
РОЛЬ ИННОВАЦИОННЫХ ПОДХОДОВ В ТРАНСПОРТНОЙ ЛОГИСТИКЕ В ДИВЕРСИФИКАЦИИ НЕНЕФТЯНОЙ ЭКОНОМИКИ АЗЕРБАЙДЖАНА Азиев Я.Г., Эмиева А.А., Алиева С.Ш.	433
ИСПОЛЬЗОВАНИЕ ОПЫТА СТРАН ЕВРОПЕЙСКОГО СОЮЗА В РАЗВИТИИ СЕКТОРА УСЛУГ Каршиев А., Эрдонов М.Э.	442
ВЛИЯНИЕ ДОХОДОВ НАСЕЛЕНИЯ НА РАЗВИТИЕ СЕКТОРА УСЛУГ Каршибоев Ф., Эрдонов М.Э.	451
ВОЗМОЖНОСТИ ИННОВАЦИОННОГО РАЗВИТИЯ ПРЕДПРИЯТИЙ СФЕРЫ УСЛУГ Мирзаахмедов М.У., Дусматов Б.О.	461
РОЛЬ И ЗНАЧЕНИЕ ЗАРУБЕЖНОГО ОПЫТА В АНАЛИЗЕ ФИНАНСОВОГО СОСТОЯНИЯ ПРЕДПРИЯТИЙ Мураткулов Х.Д., Хазратов А.П.	469
ПРОБЛЕМЫ ВЗАИМОДЕЙСТВИЯ НАСЛЕДСТВЕННОГО ФОНДА С ВЫГОДОПРИОБРЕТАТЕЛЯМИ Сырцев А.С.	477
НАЦИОНАЛЬНЫЕ ПРОЕКТЫ КАК ИНСТРУМЕНТ РЕАЛИЗАЦИИ НАЦИОНАЛЬНЫХ ЦЕЛЕЙ РФ: ПРОБЛЕМЫ УПРАВЛЕНИЯ И КОНТРОЛЯ Дейч Н.И., Долгих И.А.	489



*Олтаев Ш.С.*

СамИСИ доценти, и.ф.н.

## **РАҚАМЛИ ИҚТИСОДИЁТ ШАРОИТИДА МАМЛАКАТИМИЗ АЁЛЛАРИНИ ИШ БИЛАН БАНДЛИГИНИ ОШИРИШНИНГ ИННОВАЦИОН ЙЎЛЛАРИ**

**Аннотация:** ушбу мақолада рақамли иқтисодиёт шароитида аёлларни иш билан бандлигини оширишнинг инновацион йўллари тадқиқ этилган. Шунингдек аёлларнинг меҳнат ресурслари таркибида улуши юқори эканлиги ўрганиб чиқилиб хулоса ва таклифлар берилган.

**Калит сўзлар:** иқтисодий фаол аҳоли, иқтисодий нофаол аҳоли, бандлик, меҳнат ресурслари, лаёқатли аҳоли, микроиқтисодий даража, ташкилий омиллар, иш ўринлари, ишсизлик.

Бизга маълумки бугунги кунда ёшлар ўртасида ишсизлик кўрсаткичларининг юқори даражада сақланиб қолаётганлиги кўпчилик мамлакатларга ижтимоий-иқтисодий беқарорликни келтириб чиқарувчи омилга айланмоқда.

Бугунги кунда республикамиз ҳудудларида аҳолининг, айниқса ёшларнинг (16-30 ёшдагилар) иш билан бандлигини таъминлашда малий ечимини кутаётган қатор муаммолар мавжуд.

Ўзбекистон аҳолисининг меҳнат ресурслари таркибида ёшлар улуши юқори эканлиги қишлоқ ёшларининг иқтисодий фаоллик ва иш билан бандлик даражасининг пастлиги, қишлоқ хўжалигида ташкил этилган иш жойларининг асосий қисми қисқа муддатли ва мавсумий характерга эгалиги иш банд бўлган ёш авлоднинг салмоқли қисми иш ҳақи паст бўлган соҳаларда, норасмий секторда ва барқарор бўлмаган иш жойларида банд этилганлиги, хорижий инвестицияларни жалб қилиш бўйича фаол ҳаракатнинг сустлиги, қайта ишлаш,



ижтимоий инфратузилма ва касаначилик соҳасида иш жойларини кўпайтириш имкониятларини тўлиқ ишга солинмаётганлиги, меҳнат бозоридаги фаол сиёсатни молиялаштириш ва хусусий бандлик агентликларини фаолиятининг суст ривожланаётганлиги ҳамда ташқи ва ички меҳнат миграциялари яхши ташкил этилмаганлиги ва бунинг натижасида қишлоқ ёшларининг яқин кўшни давлатларга, асосан Россия ва Қозоғистон давлатларига мустақил иш излаб чиқиб кетишларининг ҳамон кўпаяётганлигида кузатилади. Бу эса меҳнатга лаёқатли аҳолининг, айниқса ёшларнинг иш билан таъминланиш даражаси ҳолатида ўз аксини топади.

Қишлоқ жойларида меҳнатга лаёқатли аҳоли иш билан бандлиги методологиясининг энг муҳим таркибий қисмларидан бири ёшлар учун қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришида янги иш ўрнини яратишга таъсир этувчи омиллар таҳлили ва уларни таъсир кўламини тадқиқ этиш ҳисобланади. Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришда ёшлар учун янги иш ўрнини ташкил этишга ташкилий, институционал, иқтисодий, демографик ва ижтимоий омиллар бевосита таъсир кўрсатади.

Иқтисодий фаол аҳоли таркибидаги ёшлар учун қишлоқ хўжалигида янги иш ўринларини ташкил этишда асосий иқтисодий омил етакчи ўринни эгаллайди. Улар орасида кафолатланган тўғридан-тўғри инвестицияларни жалб қилиш, мамлакат миқёсида туманларда меҳнат бозорини тартибга солиш юзасидан: молия-кредит, таркибий иқтисодий ислоҳотлар, инвестиция, солиқ, ташқи иқтисодий сиёсатларни мувофиқлаштириш каби иқтисодий воситалар муҳим ўрин эгаллайди. Шунингдек, ҳудудий миқёсда қишлоқ жойларда ёшлар учун иқтисодий жиҳатдан мос иш ўринларини қўллаб-қувватлаш, янги иш ўринларини ташкил этишга инвестиция, кичик ва ўрта бизнесни қўллаб-қувватлаш ҳамда ҳудудий бандлик жамғармасидан оқилона фойдаланиш каби омиллар ўринли таъсир кучига эга. Микроиқтисодий даражада: қишлоқ хўжалиги корхоналарида кадрларни бошқариш, танлаш тизимлари ва фирма ичидаги кенг ихтисослик бўйича касбга тайёрлаш ва қайта тайёрлаш, кадрлар



сифатини ошириш, иш ҳақи, солиқ тўлаш, инвестицияларни ички манбаидан фойдаланиш сингари омиллар ўта муҳим ҳисобланади.

Худудларда ёшлар учун қишлоқ хўжалигида янги иш ўринлари ташкил этишда асосий ташкилий жиҳати ишчи кучига бўлган талаб ва таклиф нисбатини аниқлаш асосида янги иш ўринларини ташкил этишнинг оптимал параметрларини белгилашга бевосита таъсир кўрсатади. Улар таркибидаги иш куни давомийлигини камайтириш; ёшлар учун бир кишига мўлжалланган иш ўрнини ўриндошлик билан ишлаш имкониятларини чеклаш; худудда ёшлар бўйича ишчи кучига талаб ва таклиф ўртасидаги нисбатдан келиб чиқиб, бозор мувозанатига эришишнинг худудий усулларини жорий этиш; қишлоқ хўжалиги корхоналарини рағбатлантириш тизими, тўлов ва тўловсиз таътилларни жорий этиш, муносиб меҳнат шароитларини яратиш каби омиллар муҳим таъсир кучига эга.

Шунингдек, ёшлар учун янги иш ўринлари ташкил этишга таъсир этувчи институционал омиллар ҳам мавжуд бўлиб, уларнинг асосийлаги сифатида: ҳуқуқий норма ва қонунлар, меҳнат шартномалари, мамлакат миқёсида меҳнат бозори фаолияти бўйича координацияни амалга ошириш; меҳнат бозори инфратузилмасини ташкилий-иқтисодий ва ташкилий-бошқарув тузилмаларини такомиллаштириш; худудий бандлик ва "Ёшлар-келажагимиз" жамғармаси; бандликка кўмаклашиш муниципал органлари фаолиятини ривожлантириш, нодавлат бандлик хизматлари ассоциацияларини шакллантириш кабиларни кўрсатиш мумкин.

Ёшлар учун янги иш ўринлари яратишга таъсир этувчи ижтимоий омиллар мазкур жараёнда юзага келадиган ижтимоий муносабатларни юқори босқичга чиқаради. Улар орасида ижтимоий меҳнат муносабатларни янги шаклларини жорий этиш, ижтимоий кафолат, яшаш даражаси, уни сифати ва меҳнат фаолияти даражасини кўтариш мақсадида ижтимоий таъминот, худудий миқёсда қишлоқ ёшлари ўртасида ишсизликни камайтириш, ишсиз ёшларни касбга йўналтириш, касбий тайёргарлик, меҳнат фаолиятига кўниктириш, ишни таълим жараёни билан қўшиб олиб бориш имкониятларини яратиш, ишчи кучини такрор



ишлаб чиқариш жараёнини ва ижодий меҳнатни ижтимоий жиҳатдан ривожлантириш учун шароит яратиш каби омиллар самарали таъсир кучига эга.

Янги иш ўринларини яратишга таъсир этувчи демографик омиллар қишлоқ ёшлари ишчи кучининг табиий ҳаракати ва иш билан бандлик таркибида табиий ўзгаришларни келтириб чиқаради. Қишлоқ жойларида аҳоли сони, жинси ва ёши, аҳоли сони динамикаси ва зичлиги, унинг табиий ўсиши, қишлоқ меҳнат ресурслари ва таркиби, аҳолининг ўртача ёши, аҳоли умумий сонида ёшларнинг ҳиссаси, ёшлар ўртасидаги ички ва ташқи миграция каби омиллар қишлоқ жойларда ишсиз ёшлар учун янги иш ўринларини ташкил этишда сезиларли таъсир кўрсатади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг “Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг 2020-2030 йилларда мўлжалланган стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-5853-сон Фармонида асосан, мазкур стратегиянинг асосий мақсади - қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат тармоғининг рақобатбардошлигини оширишга қаратилган ислоҳотларни янада чуқурлаштиришда давлат сиёсатини тубдан такомиллаштиришга қаратилган бўлиб, қуйидаги устувор йўналишларни қамраб олади: аҳолининг озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш, кичик агробизнес муҳитини ва қўшилган қиймат занжирини яратиш, инвестициявий жозибадорликни ошириш, қишлоқ аҳолиси иш билан бандлигини оширишга эришиш, кадрлар салоҳиятини ошириш.

Юқорида қайд этилган қишлоқ аҳолисини иш билан бандлигини оширишга эришиш учун унинг асосий қисмини ташкил этган меҳнатга лайоқатли аёллар учун қишлоқ хўжалигида янги иш ўринларини ташкил этишни миқдор жиҳатдан кўпайтириш ва сифат кўрсаткичларини яхшилаш лозим. Бунга эса қишлоқ жойлардаги асосий иқтисодий, ижтимоий-экологик ва ташкилий-ҳуқуқий омиллар бевосита таъсир кўрсатади.

Айрим ҳудудларда аҳоли ва меҳнат ресурскрининг ўсиш суръатлари янги иш ўринлар ташкил этиш ва иқтисодиётнинг ривожланиш суръатларига нисбатан юқорилиги қишлоқ хўжалигида аёллар учун янги иш ўринларини ташкил этишнинг асосий омиллари чуқур илмий-амалий тадқиқот этишни тақозо



қилади. Қишлоқ хўжалигида аҳоли учун янги иш ўринларини ташкил этишнинг асосий иқтисодий омиллари орасида қишлоқ хўжалигида шахсий томарқа, деҳқон, фермер ва бошқа соҳаҳарида аёллар учун янги ўринларини ташкил этишни иқтисодий қўллаб-қувватлаш алоҳида аҳамият касб этади.

Агрокластер ва кооперацияларни самарали ривожлантириш асосида аёллар учун юқори иш ҳақи тўланадиган иш ўринларини ташкил этиш қишлоқ хўжалиги бирлашмалари, фермер ва деҳқон хўжалигида қайта ишлаш саноати корхоналарини (шу жумладан кластерларни) ривожлантириш ва рағбатлантириш борасидаги тадбирларни янги босқичга кўтаради.

Шунингдек, қишлоқ хўжалигида аёллар учун янги иш ўринларини ташкил этиш учун кафолатли маҳаллий ва хорижий инвестицияларни жалб этиш мақсадида тараққий этган молиявий бозорлар, қулай ишбилармонлик муҳити, ишлаб чиқарувчиларни қўллаб-қувватлаш ва ишлаб чиқариш-сотиш занжирларини ривожлантиришга қаратилган иқтисодий чораларни кўриш талаб этилади. Қишлоқ хўжалигида инвестицияларни бошқариш самарадорлигини баҳолашнинг мустақил мониторинги ҳамда баҳолаш структураси, тизими ва механизмлари мавжуд эмас. Бу эса қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқарувчилари томонидан мақбул қишлоқ хўжалиги ва экологик амалиёт, мақбул ишлаб чиқариш амалиёти ва бошқа стандартларга риоя этилишини рағбатлантириш учун шарт-шароитларни ривожлантиришга табиий маънода салбий таъсир кўрсатади. Бундан ташқари, илмий-тадқиқот, таълим ва ахборот-маслаҳат хизматларини кўрсатишни ўзаро боғлайдиган қишлоқ хўжалигига оид билим ва ахборотларни тарқатиш бўйича самарали тизимнинг йўқлиги соҳани илмий асосда ривожлантиришдаги энг жиддий тўсиқлардан бири бўлиб қолмоқда. Ҳозирда илмий-тадқиқотлар учун давлат инвестициялари даражаси қишлоқ хўжалиги умумий бюджетининг 0,2 фоизини ташкил этади, илм-фан ва ишлаб чиқариш ўртасидаги ўзаро алоқанинг самарали механизмлари мавжуд эмаслиги қишлоқ хўжалигида аёллар учун янги иш ўринларини ташкил этиш учун кафолатли маҳаллий ва хорижий инвестицияларни жорий қилишнинг амалий-услубий тадқиқотларига сезиларли даражада таъсир кўрсатади.



Ижтимоий инфратузилма субъектлари қишлоқ аҳолисининг турмуш даражасини белгилайдиган уй-жой қурилиши қишлоқ аҳолисининг ҳар томонлама ривожланишига ижобий таъсир этувчи бошқа соҳаларни ўз ичига олади ва боғловчи тизим сифатида фаолият кўрсатгани учун ҳам ижтимоий-экологик омиллар орасида қишлоқ хўжалигидаги кам таъминланган аёлларни имтиёзли уй-жой билан таъминлаш асосий ўрин эгаллайди.

Шу ўринда таъкидлаш керакки, қишлоқ хўжалигида аёллар учун янги иш ўринларини ташкил этишнинг локал меъёрий-ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш муҳим ўрин тутди. Иқтисодий ислоҳотлар шароитида институционал ўзгаришларни амалга оширишда, фаолият кўрсатаётган иқтисодиётнинг ривожланиш қонуниятларини билиш, уни модернизация қилиш механизмларини танлаш ва хавф хатарнинг олдини олишнинг самарали воситаси зарур. Расмий қоидалар бир кечадаёқ сиёсий қарорлар ёрдамида ўзгартирилиши мумкин бўлгани ҳолда, норасмий меъёрлар жуда секин ўзгаради. Норасмий қоидалар асрлар давомида қарор топган урф-одатлар, ҳатти-ҳаракатлар меъёрлари, миллий менталитетдан ташкил топган. Улар вақти келиб ушбу жамият учун мажбурий бўлган расмий қоидалар даражасига кўтарилиши ёки уларни қарор топишига таъсир кўрсатган шарт-шароитларнинг ўзгариши натижасида йўқ бўлиб кетиши мумкин. Шу нуқтаи назардан, аграр ислоҳотларнинг институционал асоси янги иқтисодий институтларнинг мулк, ишлаб чиқариш ва бошқаришнинг иқтисодий-ҳуқуқий шаклларни такомиллаштиришни талаб қилади.

Қишлоқ хўжалигида аёлларни иш билан бандлигининг юқори даражасида эмаслиги мазкур соҳада самарали агротехнологик ечимини жорий этилиши ва янги иш ўринларини ташкил этишнинг паст даражасини кўрсатади. Айниқса, бу соҳада аёлларнинг иш билан бандлиги муаммоси ва унинг ечимини асословчи ижтимоий-иқтисодий механизмларнинг аҳамиятини кўрсатиш мақсадга мувофиқ. Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини барқарор ривожлантиришга бевосита таъсир кўрсатиши асосий иқтисодий, ижтимоий, табиий ва ташкилий омиллардан иш ўринларини яратишда ҳисобга олиш лозим.



Хулоса қилиб айтганда, қишлоқ хўжалигида шахсий томорқа, дехқон, фермер ва бошқа соҳаларида аёллар учун янги иш ўринларини ташкил этиш кичик агробизнеснинг таркибий элементини қўллаб-қувватлашга хизмат қилади. Айниқса, шахсий томорқа хўжалиги катта бўлмаган капиталга таяниши ва оила аъзоларининг меҳнатига асосланишини эътироф этадиган бўлсак ундаги меҳнатнинг оила аъзолари ўртасида тақсимланиши ёлланма ишчиларга бериладиган ҳақни тежашни таъминлайди. Шахсий томорқа, дехқон, фермер ва бошқа соҳаларида етиштириладиган маҳсулотни оиланинг ўзи хусусий мулкдор сифатида тасарруф этади ҳамда ундан келган даромад оила эҳтиёжларини қондиришга ва қўшимча даромад топишга ёрдам беради.

### Фойдаланилган адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикасининг «Аҳоли бандлиги» тўғрисидаги Қонуни. (янги таҳрирда) // «Халқ сўзи», 2020. 21 октябр.
2. Абдурахмонов Қ. Меҳнат иқтисодиёти: назария ва амалиёт. Дарслик. Қайта ишланган ва тўлдирилган 3-нашри. - Т.: “ФАН”, 2019. - 592 б.
3. Абдунаҳмонова Г.Қ. “Кичик бизнесда аҳолини муносиб меҳнат тамойиллари асосида иш билан таъминлашни такомиллаштириш” Иқтисод фанлари доктори илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация автореферати. ТДИУ. - Т., 2016. - 13, 15, 21 б.
4. Oltayev Sh.S. (2021). Challenges and solutions in constructing a community section and investing in family entrepreneurs (On the example of Navobod NCM of Samarkand district) American Journal of Research [www.journalofresearch.us](http://www.journalofresearch.us) 9-10, September-October 2021 [info@journalofresearch.us](mailto:info@journalofresearch.us) USA, Michigan 34. 34-37 б. <https://zenodo.org/record/5514016#.YbzC3mhBzIU>
5. Oltayev Sh.S. (2021). Innovative Education Is An Important Factor To Increase The Efficiency Of Economic Education The American Journal of Interdisciplinary Innovations and Research (ISSN–2642-7478) Published: November 13, Pages: 9-13 Doi: <https://doi.org/10.37547/tajjir/Volume03Issue11-02>



6. Oltayev Sh.S. (2021). Wide Opportunities for Innovative Development of Small Business And Private Entrepreneurship in our Country. Academic Journal of Digital Economics and Stability Volume 10, ISSN 2697-2212 Online: <https://academicjournal.io> 7-13.  
<https://economics.academicjournal.io/index.php/economics/article/view/334>
7. Oltayev Sh.S. (2022). Improving Ways of Attracting Foreign Investments to the National Economy and Using Them. International Journal Miasto Przyszłości, 92–95. <https://miastoprzyszlosci.com.pl/index.php/mp/article/view/503> Vol. 27. Kielce Retrieved from
8. Oltayev Sh.S. (2022). Issues of attracting foreign investments to the regions of Uzbekistan: problems and solutions. International journal of social science & interdisciplinary research Issn: 2277-3630 Impact Factor: 7.429, 11(08), <https://www.gejournal.net/index.php/IJSSIR/article/view/923> 96–100. Retrieved from
9. Oltayev Sh.S. (2024). Innovative ways to diversify and improve the quality of tourist services in Uzbekistan. International Journal of Advanced Research in Education, Technology and Management. 3(3), 109-118.  
<https://doi.org/10.5281/zenodo.10880030>
10. Oltayev Sh.S. (2024). Innovative ways to eliminate the migration problem in Uzbekistan. International Journal of Advanced Research in Education, Technology and Management. 3(3), 123-130. <https://doi.org/10.5281/zenodo.10880419>
11. Oltayev Sh.S. (2024). Issues of attracting foreign investments to the special economic zones of the country. Innovative Development in Educational Activities, 3(6), 31–36. <https://doi.org/10.5281/zenodo.10899983>
12. Oltayev Sh.S. (2024). Purposeful formation of the high quality of providing economic growth in the country. Web of Teachers: Inderscience Research, 2(3), 273–280. Retrieved from <https://webofjournals.com/index.php/1/article/view/1047>
13. Oltayev Sh.S. (2024). The need to form the state investment strategy. Innovative Development in Educational Activities, 3(6), 25–30.  
<https://doi.org/10.5281/zenodo.10899979>



14. Oltayev Sh.S. (2024). The role of the economic sector in society. Eurasian Scientific Herald, 30, 55–58. Retrieved from <https://geniusjournals.org/index.php/esh/article/view/5815>

© Олтаев Ш.С., 2026